



Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ўзбекистон Республикаси номидан

Хал қилув қарори

06.05.2022 йил

PDF шахри

4-1407-2201/384-сонли иш

Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди, судья Л.Асатов раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Ғаниев суд мажлиси котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси [redacted] даъвогар – « [redacted] » акциядорлик жамияти (бундан буён матнда АЖ деб юритилади) манфаатида, жавобгар – « [redacted] » фермер хўжалигига нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни, « [redacted] » АЖ биносида, очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар вакили [redacted] (06.05.2022 йилги 204/06-2-сонли ишончнома) иштирокида кўриб, қуйидагиларни,–

А Н И Қ Л А Д И:

« [redacted] » АЖ ва « [redacted] » фермер хўжалиги ўртасида 27.09.2021 йилда тузилган «Бошоқли дон харид қилиш бўйича» шартномасига асосан «Тайёрловчи» (« [redacted] » АЖ) томонидан «Хўжалик» (« [redacted] » фермер хўжалиги)га уруғлик етказиб берилган.

Бироқ жавобгар томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмай, етказиб берилган уруғлик учун тўловлар амалга оширилмаган.

Даъвогар томонидан 06.01.2022 йилда тузилган ўзаро ҳисоб-китоб солиштира далолатномасига кўра жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарзи 76 777 607,45 сўмни ташкил этган.

Жавобгар томонидан даъвогарга уруғлик қарзи тўлаб берилмаганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар – « [redacted] » АЖ манфаатида жавобгарга нисбатан бўнак қарзи, пеня ва жарима ундириш юзасидан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили судга маълумотномани тақдим этиб, ўз тушунтиришида жавобгар томонидан суд муҳокамаси кунига қадар даъво аризасидаги бўнак қарзи бўйича тўлов амалга оширилмаганлигини баён қилиб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида жавобгар иштирок этмади. Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 170-моддасига биноан ишни жавобгар иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб, мазмунан ҳал этишни лозим деб топди.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланишича, « [redacted] » АЖ ва « [redacted] » фермер хўжалиги ўртасида 27.09.2021 йилда тузилган «Бошоқли дон харид қилиш бўйича» шартномасига асосан «Тайёрловчи» (« [redacted] » АЖ) томонидан



«Хўжалик» («[REDACTED]» фермер хўжалиги)га уруғлик етказиб берилган.

Бироқ жавобгар томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмай, етказиб берилган уруғликнинг тўловлар амалга оширилмаган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.3-бандида Хўжалик уруғлик қийматининг 15% фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан, қолган фоизини уруғликни олган пайтдан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан тўлаб бериши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига қўйилган қўйимчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак;

333-моддасига кўра қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса жавоб беради;

449-моддасига кўра сотиб олувчи етказиб бериладиган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоблар тартиби ва шаклига амал қилган ҳолда тўлайди, агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарлар ҳақи олувчи (тўловчи) томонидан тўланиши назарда тутилган бўлса ва у ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортса ёки товарлар ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўламаган бўлса, етказиб берувчи сотиб олувчидан етказиб берилган товарлар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган маълумотномага кўра жавобгар томонидан даъво аризасидаги бўнак қарзи бўйича тўловлар амалга оширилмаган.

Шунингдек, даъво аризасида жавобгарга нисбатан шартноманинг 4.2-бандига асосан 8 291 970 сўм пеня ҳисобланиб, уни ундириш сўралган.

Шартноманинг 4.2-бандига кўра, жаримадан ташқари Хўжалик Тайёрловчига тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли, бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиши керак. Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Жавобгар – «[REDACTED]» фермер хўжалиги томонидан шартнома шартлари бажарилмаган ва етказиб берилган уруғлик ҳақи тўланмаган.

Суд, жавобгар – «[REDACTED]» фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги корхонаси эканлиги боис унинг мулкӣ аатларини эътиборга олиб, жавобгардан ундирилиши талаб қилинган 970 сўм пеняни 2 487 591 сўмгача камайтиришни лозим топди.



Бундан ташқари, даъво аризасида жавобгарга нисбатан шартноманинг 4.2-бандига асосан 11 516 641 сўм жарима ҳисобланиб, уни ундириш сўралган.

Шартноманинг 4.2-бандига кўра, шартномага мувофиқ етказиб берилган уруғлик ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун Хўжалик Тайёрловчига узи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 15.06.2007 йилги «Мажбурлик ва бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкнинг бажарилганлиги тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли Қарорининг 3-бандида агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Шу боис, суд, даъвогарнинг жарима ундириш даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топди.

Бундай ҳолатда, суд, ишдаги ҳужжатларни текшириб, далилларга баҳо бериб, даъвогар вакили тушунтиришини тинглаб, даъвони қисман қаноатлантиришни, жавобгар – «[REDACTED]» фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар – «[REDACTED]» АЖ фойдасига 76 777 607,45 сўм бўнак қарзи, 2 487 591 сўм пеня ва олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажатлари ундиришни, пенянинг қолган ва жарима ундириш қисмларини қаноатлантиришни рад этишни деб топди.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118,176-179,186-моддаларига амал қилиб, суд,-

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар – «[REDACTED]» фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар – «[REDACTED]» АЖ фойдасига 76 777 607,45 сўм бўнак қарзи, 2 487 591 сўм пеня ва олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Пенянинг қолган ва жарима ундириш қисмларини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар – «[REDACTED]» фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджетига 1 931 724,37 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Раислик этувчи

Л.Асатов

